



Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2022 йил 10 октябрь

Шовот тумани

4-2202-2201/1064-сонли иш

Шовот туманлараро иқтисодий суди раиси, судья Б.Хайитбоев, судья ёрдамчиси Ш.Салаевнинг котиблигида, Шовот туманлараро иқтисодий суди биносида очик суд мажлисида даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг «[REDACTED]» маъсулияти чекланган жамияти манфаатида жавобгар «[REDACTED]» фермер хўжалигидан 27.285.135 сўм қарздорлик ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни даъвогар вакили [REDACTED] (ишончномага асосан) кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси «[REDACTED]» маъсулияти чекланган жамияти манфаатида Шовот туманлараро иқтисодий судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар «[REDACTED]» фермер хўжалигидан 27.285.135 сўм қарздорлик ундиришни сўраган.

Палата ишни палата вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Бугунги суд мажлисида даъвогар вакили даъвони тўлиқ қувватлаб тарафлар ўртасида имзоланган шартномага кўра тегишли хизматлар кўрсатилган бўлсада қарздорлик умуман қопланмасдан мажбуриятлар бажарилмаганлигини, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Бугунги суд мажлисида жавобгар вакили иштирок этмади, бироқ жавобгарнинг суд мажлисининг ўтказилиш куни, жойи ва вақти ҳақида тегишли равишда хабардор қилинганлиги тўғрисида иш ҳужжатларида почта хабарномаси ва тегишли ҳужжатлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128-моддасига кўра агар суд иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси ўзига юборилган ажримнинг кўчирма нусхасини олганлиги ёки ушбу Кодекста назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилинганлиги тўғрисида суд мажлиси бошлангунига қадар маълумотларга эга бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

Бундай ҳолда, суд ишни Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 128-моддасига асосланган ҳолда жавобгар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, иш ҳужжатларини ўрганиб, ишда иштирок этувчи тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб олиб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризани тўлиқ қаноатлантиришни, суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.



Иш ҳужжатларидан аниқланган ҳолатларга кўра, «[REDACTED]» маъсулияти чекланган жамияти ва жавобгар «[REDACTED]» фермер хўжалигига ўртасида 2022 йил 1 апрел куни “қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларга механизация ёрдамида бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар” юзасидан шартнома имзоланган.

Шартномани 1.1-бандига асосан “даъвогар жавобгарга механизация ёрдамида ишларни бажариш, сервис агротехника хизматлари, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бошқа хизматларни кўрсатиш, моддий техника ресурсларини етказиб бериш мажбуриятини, жавобгар бажарилган ишлар кўрсатилган хизматлар юзасидан ҳаққини ўз вақтида тўлаш” мажбуриятини олган.

Шартномада шартларига кўра даъвогар томонидан жавобгарга тегишли счёт-фактурага асосан жами 27.285.135 сўм миқдорида “ер хайдаш” ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатилган.

Бироқ, жавобгар томонидан шартномадаги шартлар лозим даражада бажарилмасдан ушбу бажарилган хизматлар ҳаққи тўланмаганлиги натижасида 27.285.135 сўм миқдорида қарздорлик юзага келган.

Низони ўзаро ҳал этиш чораси қарздорликни ихтиёрий қоплаш юзасидан даъвогарнинг 2022 йил 4 августдаги талабнома хати жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Натижада даъвогар юқоридаги талаб бўйича судга даъво ариза билан муурожаат қилган.

Даъвогарнинг даъвоси асосли.

Мазкур ҳолатда мажбуриятлар тарафлар ўртасида расмийлаштирилган шартномадан келиб чиққан.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (Кейинчалик - ЎЗР ФКнинг) 234-моддаси 2-хатбошисида мажбуриятлар—шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексида кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқиши назарда тутилган.

ЎЗР ФКнинг 236-моддасига кўра мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Бундан ташқари, ишга тақдим қилинган даъвогар ва жавобгар томонидан тасдиқланган солиштирма далолатнома, тасдиқланган счёт-фактура билан қарздорлик жавобгар томонидан тўлиқ тан олинган.

Суд, юқоридагиларга асосан даъво талаби тўлиқ исботини топганлиги учун тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Юқорида баён қилинганларга асосан суд даъвогарнинг даъвосини тўлиқ қаноатлантиришни, ишни кўриш билан суд харажатларини жавобгарнинг зиммасига юклашни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 128,170,176-180-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и:

Даъво ариза тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар «[REDACTED]» фермер хўжалиги ҳисобидан «[REDACTED]» маъсулияти чекланган жамияти фойдасига



